

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## МУНДАРИЖА

### Аниқ ва табиий фанлар

### МАТЕМАТИКА

#### А.Рафиқов, А.Сотвондиев

Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала ..... 5

#### И.Нематов, С.Кукиева

Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш ..... 11

#### М.Азизов, С.Рустамова

Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи ..... 13

КИМЁ

#### А.Ибрагимов, Ю.Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти ..... 17

#### Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков

Глицерризин кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш ..... 21

### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

#### Р.Максудов

“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари ..... 24

### ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

#### И.Зокиров, С.Исройлжонов

Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари ..... 27

### Ижтимоий-гуманитар фанлар

### ИҚТИСОДИЁТ

#### Н.Рахмонов

Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари ..... 31

#### М.Мўйдинов

Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари ..... 35

### ТАРИХ

#### Б. Усмонов

XV асрнинг 70-йилларида Фарғона ..... 39

#### Н.Режаббоев

Наманган уездидаги “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти ..... 43

#### А.Нурматов

XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида) ..... 49

#### М.Мансуров

Фарғона водийсида қишлоқ туризмининг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари ..... 55

#### Х.Юнусова, У.Усаров

Фарғона водийси дехқончилик маданияти ва анъаналари ҳақида баъзи мулоҳазалар ..... 58

### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

#### Т.Абдуллаев

Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари ..... 62

## МАТЕМАТИКА

УДК: 517.927

**БЕРНУЛЛИ ТЕНГЛАМАСИГА КЕЛТИРИБ ЕЧИЛАДИГАН БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ОДДИЙ  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМА УЧУН КОШИ МАСАЛАСИ**

М.Азизов, С.Рустамова

**Аннотация**

Мақолада Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги ўрганилган. Масала ечимининг ягоналиги экстремум принципи ёрдамида исботланган.

**Аннотация**

В статье исследуется единственность и существование решения задачи Коши для обыкновенного дифференциального уравнения первого порядка, приводимого к уравнению Бернулли. Единственность решения задачи доказывается методом принципа экстремума.

**Annotation**

This article investigates the uniqueness and existence of solution of the Koshi task for the ordinary differential equation of the first order which refer to Bernoulli equation. The uniqueness of the issue is proved by the principle of extremes.

**Таянч сўз ва иборалар:** оддий дифференциал тенглама, масала ечимининг ягоналиги, масала ечимининг мавжудлиги.

**Ключевые слова и выражения:** обыкновенное дифференциальное уравнение, единственность решения задачи, существование решения задачи.

**Key words and expressions:** ordinary differential equation, unity of a solution, existence of a solution.

$S_1$  масаланинг қўйилиши.  $X = (-\infty; 0) \cup (0; \infty)$  соҳада

$$y'(x) + P_1(x)y(x) + P_2(x)y^2(x) + P_3(x)y^3(x) = P(x) \quad (1)$$

тенгламани ва

$$y(0) = k \quad (2)$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи  $y(x) \in C(\bar{X}) \cap C^1(X)$  функция топилсин. Бу ерда  $P(x), P_1(x), P_2(x), P_3(x)$  - берилган узлуксиз функциялар.

**Теорема.**  $y_1(x) - (1)$  тенгламанинг  $(2)$  шартни қаноатлантирамайдиган бирор хусусий ечими бўлсин. У ҳолда, агар  $P_2(x) + 3P_3(x)y_1(x) = 0, Q_1(x) < 0$  ( $Q_1(x) > 0$ ) ва  $y'_1(x) + P_1(x)y_1(x) + P_2(x)y_1^2(x) + P_3(x)y_1^3(x) = P(x)$  шартлар бажарилган бўлса,  $S_1$  масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади. Бу ерда  $P_1(x) + 2P_2(x)y_1(x) + 3P_3(x)y_1^2(x) = Q_1(x)$ .

**Исбот.** **Масала ечимининг ягоналиги.** (1) тенгламанинг бирорта  $y_1(x)$  хусусий ечими мавжуд бўлса, у ҳолда (1) тенгламада

$$y(x) = y_1(x) + z(x) \quad (3)$$

алмаштириш бажарамиз.

(3) алмаштиришни (1) тенгламага қўйиб, баъзи элементар соддалаштиришларни бажариб,

$$\begin{aligned} z'(x) + [P_1(x) + 2P_2(x)y_1(x) + 3P_3(x)y_1^2(x)] \cdot z + [P_2(x) + 3P_3(x)y_1(x)] \cdot z^2 + \\ + P_3(x)z^3(x) + [y'_1(x) + P_1(x)y_1(x) + P_2(x)y_1^2(x) + P_3(x)y_1^3(x)] = P(x) \end{aligned}$$

тенгламани ҳосил қиласми.

Теореманинг шартларини эътиборга олсанк, ушбу

М.Азизов – ФарДУ математик анализ ва дифференциал тенгламалар кафедраси ўқитувчиси.

С.Рустамова – ФарДУ, математика мутахассислиги магистранти.

$$z' + Q_1(x)z = -P_3(x)z^3 \quad (4)$$

Бернулли тенгламасини ва (3) алмаштиришга асосан эса (2) бошланғич шартдан

$$z(0) = k - y_1(0) \quad (5)$$

бошланғич шартни ҳосил қиласыз. (4) тенгламада

$$t(x) = \frac{1}{z^2(x)} \quad (6)$$

алмаштириш бажариб,

$$t'(x) - 2Q_1(x)t(x) = 2P_3(x) \quad (7)$$

$$t(0) = \frac{1}{(k - y_1(0))^2}, \quad k \neq y_1(0) \quad (8)$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи янги {(7),(8)} масалага келамиз.

Фараз қиласыз, {(7),(8)} масала  $t_1(x)$  ҳамда  $t_2(x)$  ечимларга әга бўлсин. У ҳолда

$$t(x) = t_1(x) - t_2(x) \quad (9)$$

функция

$$t'(x) - 2Q_1(x)t(x) = 0, \quad x \in (-\infty; 0) \cup (0; +\infty), \quad (7')$$

$$t(0) = 0 \quad (8')$$

бир жинсли масаланинг ечими бўлади.

Фараз қилайлик, {(7'),(8')} масала  $t(x) \neq 0, \quad x \in (-\infty; 0) \cup (0; +\infty)$  ечимга әга бўлсин.  $(-\infty, +\infty)$  оралиқни қуидагича,

$$(-\infty; +\infty) = \bigcup_{n=-\infty}^{+\infty} [x_n, x_{n+1}]$$

кесмаларга бўлиб, бу кесмаларнинг ҳар бирида  $t(x) \neq 0$  ечимни қидирамиз. Бу ерда

$$\begin{aligned} \bigcup_{n=-\infty}^{+\infty} [x_n, x_{n+1}] &= \dots \cup [x_{-n}, x_{-n+1}] \cup \dots \cup [x_{-2}, x_{-1}] \cup [x_{-1}, x_0] \cup [x_0, x_1] \cup \\ &\cup [x_1, x_2] \cup \dots \cup [x_n, x_{n+1}] \cup \dots, \quad x_0 = 0. \end{aligned}$$

$t(x)$  функция  $[0; x_1]$  сегментда аниқланган ва узлуксиз бўлгани учун Вейерштрасснинг 2-теоремасига асосан мусбат максимум (манфий минимум) қийматга шу сегментнинг қандайдир  $x'_0 \in (0; x_1]$  нуқтасида эришади.

$t(x)$  функция мусбат максимум (манфий минимум) қийматга  $(0, x_1]$  ярим интервалда эришсин деб фараз қиласыз. Унда  $t(x'_0) > 0$  ( $< 0$ ) мусбат максимум (манфий минимум) қиймат деб фараз қилсак,  $t'(x'_0) = 0$  тенглик ҳамда

$$t'(x_0) - 2Q_1(x_0)t(x_0) > 0$$

тенгсизлик бажарилади. Бу эса (7') га зид. Демак,  $t(x)$  функция  $\forall x'_0 \in (0, x_1]$  да ( (7') га асосан )

$$t(x) \equiv 0, \quad \forall x'_0 \in (0, x_1] \quad (10)$$

бўлади. Бундан (9) га асосан  $t_1(x) = t_2(x)$ .

## МАТЕМАТИКА

Энди  $t(x)$  функция  $[x_1, x_2]$  сегментда аниқланган ва узлуксиз бўлғанлиги учун ( $t(x_1) = 0$  эканлигидан) Вейерштрасснинг 2-теоремасига асосан мусбат максимум (манфий минимум) қийматга шу интервалнинг қандайдир  $x'_1 \in (x_1; x_2]$  нуқтасида эришади деб фараз қиласиз. Айтайлик,  $t(x)$  функция ўзининг мусбат максимум (манфий минимум) қийматига  $(x_1, x_2]$  ярим интервалнинг қандайдир  $x'_1 \in (x_1, x_2]$  нуқтасида эришсин. Унда  $t(x'_1) > 0$  ( $< 0$ ), яъни мусбат максимум (манфий минимум) қиймат деб фараз қилсак, у ҳолда  $t'(x'_1) = 0$ , ҳамда

$$t'(x'_1) - 2Q_1(x'_1)t(x'_1) > 0$$

тенгисзлик бажарилади. Бу эса (7') га зид. Демак,  $t(x)$  функция  $\forall x'_1 \in (x_1, x_2]$  да (9) га асосан  $t_1(x) = t_2(x)$ .

Бу жараённи  $n$  марта мусбат тарафга,  $n$  марта манфий тарафга давом эттириб ҳамда  $n \rightarrow \infty$  да  $x_n \rightarrow \infty$  ни эътиборга олсак,  $\{(7'), (8')\}$  масаланинг ечими  $X$  соҳада  $t(x) \equiv 0$  эканлиги келиб чиқади. Бундан эса  $\{(7), (8)\}$  масаланинг ечими биттадан ортиқ эмаслиги келиб чиқади.

Демак,  $\{(7), (8)\}$  масала агар у ечимга эга бўлса  $X$  соҳада у ягона.  $\{(7), (8)\}$  масаланинг ечими ягона эканлигидан  $\{(1), (2)\}$  масаланинг ечими ҳам ягона эканлиги келиб чиқади. Чунки,  $\{(7), (8)\}$  масала  $\{(1), (2)\}$  масалага эквивалент масаладир.

**Масала ечимининг мавжудлиги.** (7) тенглама умумий ечимини топиш учун Бернулли усулидан фойдаланиб, уни

$$t(x) = u(x) \cdot v(x) \quad (11)$$

кўринишда қидирамиз. (11) ни (7) га қўйиб

$$u'(x) \cdot v(x) + u(x) \cdot [v'(x) - 2Q_1(x) \cdot v(x)] = 2P_3(x)$$

тенгликни ҳосил қилиб, бундан

$$v(x) = e^{\int Q_1(x) dx}, u(x) = 2 \cdot \int e^{-2Q_1(x)} P_3(x) dx + C$$

функцияларни топиб, (11) га асосан (7) тенглама умумий ечимини

$$t(x) = 2e^{2Q_1(x)} \int e^{-2Q_1(x)} P_3(x) dx + Ce^{2Q_1(x)}$$

кўринишида топамиз.

Бу ечими (8) шартга бўйсундириб

$$t(x) = 2 \cdot e^{2Q_1(x)} \int e^{-2Q_1(x)} P_3(x) dx + \left( \frac{1}{e^{2c}(k-b)^2} - 2d \right) \cdot e^{2Q_1(x)}$$

функцияни топамиз. Бу ерда  $d = e^{2Q_1(0)} \int e^{-2Q_1(0)} P_3(0) dx$ ,  $b = y_1(0)$ ,  $c = Q_1(0)$ . Бундан юқоридаги (6) ва (3) алмаштиришларга асосан орқага қайтиб (1) тенгламанинг (2) бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини

$$y(x) = y_1(x) + \frac{e^{-\int 2Q_1(x) dx}}{\sqrt{2 \int e^{-\int 2Q_1(x) dx} P_3(x) dx + \frac{1}{e^{2c}(k-b)^2} - 2d}}.$$

кўринишида топамиз. Теорема тўлиқ исботланди.

**Мисол.**

$$y' + y - 3y^2 + y^3 = -1 \quad (1^*)$$

төңгламани вә

$$y(0) = k \quad (2^*)$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи  $y(x)$  функция топилсін.

**Ечиш.** Бу төңгламанинг хусусий ечимини  $y_1 = ax + b$  күренишида қидирамиз.  $y_1(x)$  функцияни төңгламага қўйиб,

$a + (ax + b) - 3(ax + b)^2 + (ax + b)^3 = -1$  төңгликтин ҳосил қиласиз. Бу төңгликда баъзи бир ҳисоблашларни бажариб  $a = 0$  ва  $b = 1$  га төнг эканлигини топамиз, бундан төңгламанинг хусусий ечими  $y_1(x) = 1$  күренишда бўлиши келиб чиқади.

Энди төңгламада

$$y = 1 + z(x) \quad (3^*)$$

алмаштиришни бажарсак,

$$z' - 2z = -z^3 \quad (4^*)$$

кўринишдаги Бернулли төңгламасига ҳамда (2) бошланғич шартдан

$$z(0) = k - 1 \quad (5^*)$$

бошланғич шартга келамиз. (4\*) төңгламада

$$t(x) = \frac{1}{z^2(x)} \quad (6^*)$$

алмаштириш бажариб,

$$t'(x) + 4t(x) = 2 \quad (7^*)$$

төңглама вә

$$t(0) = \frac{1}{(k-1)^2}, \quad (k \neq 1) \quad (8^*)$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи янги  $\{(7^*), (8^*)\}$  масалага келамиз. (7\*) төңгламани (8\*) бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечими

$$t(x) = \frac{e^{4x} + \frac{2}{(k-1)^2} - 1}{2e^{4x}}$$

кўринишда топилади. (6\*) ва (3\*) белгилашларга асосан (1\*) төңгламани (2\*) бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечими

$$y(x) = 1 + \sqrt{\frac{\sqrt{2}e^{2x}}{e^{4x} + \frac{2}{(k-1)^2} - 1}}$$

кўринишда аниқланади.

**Адабиётлар:**

1. Ўринов А.Қ., Қосимов Х.Н., Ғозиев Қ.С. Дифференциал төңгламалар фанидан услубий кўрсатма. I-қисм. – Фарғона, 2002.
2. Ўринов А.Қ. Оддий дифференциал төңгламалар учун чегаравий масалалар. -Т.: Мумтоз сўз, 2014.
3. Азизов М.С., Рустамова С.Т. XXI аср – интелектуал авлод асли. // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 20017.

(Тақризчи: А. Ўринов – физика-математика фанлари доктори, профессор)